Депоз.

Ватанпарвар.

2006 й.

Тош.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **6** январь, жума № **1** (2128).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **6** декабря, **2006** год, № **1** (2128).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда
**E-mail: vatan@rol.uz**
В розницу – цена свободная

Ватан ҳимоячиси деганда халқимиз кўз ўнгида, энг аввало, қоматига ҳарбий либос ярашган, туғилган юрти ва оқ сут берган халқини жондан севувчи, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга, тинчлик ва барқарорликни сақлашдек олижаноб мақсад йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр мард ва ботир ўғлонлар намоён бўлади.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги – 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари – юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, авваламбор, иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда – мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саховатлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу муътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови – авваламбор, ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



*Кўзим қароғида Ватаним маним*

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

## СОБИТҚАДАМ РИВОЖЛАНИШ – УСТУВОР МАҚСАД

Бугун шуни яққол ҳис қилиш мумкинки, юрт тинчлигига таҳдид солувчи қатор омиллар мавжуд. Гап юракларга ғулғула солишда эмас, ана шу таҳдидларни билиш ва ҳис қилишимизда. Дейлик, давлатга ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, ғайриинформацион таҳдидлар хавф солиши мумкин. Буни ортда қолган йилда мамлакатимизга нисбатан бўлган бир қатор ахборот хуружларида ҳам кўрдик. Таъкидлаш жоизки, миллий истиқлол мафкурасининг асосий бир йўналиши халқимизни, юртимизни ана шундайин таҳдидлардан муҳофаза этишга қаратилган. Шукрки, халқимиз юксак маънавиятли, маърифатли. Оқни қорадан ажрата олади. Шу боис ҳам ҳар қандай ёвуз ғояларга эргашмади, ахборот хуружларига алданмади. Демакки, миллий истиқлол ғояларига содиқ қолди. Ахир, бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмаймизда. Негаки, миллий истиқлол ғояси ўзида халқимизнинг туб манфаатларини ифодалаган. Хўш, туб манфаатлар деганда нимани тушунамиз? Айтиш жоизки, туб манфаат – бу мамлакат мустақиллиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, диний бағрикенгликни, мамлакат аҳолиси ва ҳар бир оила, маҳалла-кўйнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат.

**(Давоми 7-бетда).**



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

## САЙҚАЛ ТОПАР БУНДА ҒУРУР, ИФТИХОР

Музейлар ҳар бир мамлакатнинг, миллатнинг ўтмиши ва келажагини бирбирига боғлаб турувчи кўприкдир десак, хато бўлмайди. Зеро, музейлардаги ҳар бир экспонат, ҳужжат ва маълумот халқнинг давлатчилик тарихи илдизлари, уни яратишда иштирок этган шахслар ва уларнинг дунёқараши, маънавияти, хоҳиш ва истаклари тўғрисида маълумот беради. Қолаверса, унинг келажаги ва истиқболини ҳам белгилайди. Албатта, ҳар бир музей ўз йўналиши, тарғибот ва ташвиқот объектига эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг асосий вазифаси ҳам ўтмиш маънавий қадриятларимизни тўплаш, тадқиқ этиш ва намойиш қилиш, кенг жамоатчиликни, ёш авлодни аждодларимиз мероси билан янада яқинроқ таништириш орқали шу юрт фарзандларининг ўзлигини чуқур англашларига, мустақиллигимизнинг қадрини тобора теран ҳис этишларига ёрдамлашишга, уларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Адабиёт музейи олдига қўйилган вазифаси ва амалга ошираётган кенг кўламли ишлари, серқирра фаолиятига эгалиги билан республикамиздаги ягона муассасадир.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

## НИЯТ ҚУТЛУҒ – ЙЎЛИМИЗ РАВОН

Мана, қутлуғ қадамлар билан янги йил кириб келди. Янги йилда ҳам орзуларимиз, ниятларимиз кўп. Бунёдкор халқмиз-да. Орзу, ниятларимиз ҳам ана шу бунёдкорона руҳдан озиқланади.

Президентимизнинг халқимизга янги йил муносабати билан йўллаган байрам табриги бунёдкорона орзу, ниятларимизни руҳлантирувчи муҳим дастуриламал бир ҳужжат бўлди. Уни тинглаган, ўқиган ҳар бир фуқаро борки, ўз-ўзига савол бериб кўриши, «шу юрт, шу халқ учун, унинг порлоқ истиқболи учун нима қилдим, нима қилмоғим керак?» деган ўй қалбида акс-садо бериши шубҳасиз. Табрикда таъкидланганидек, ортда қолган йилда эзгу мақсадларимиз йўлида – юртимизда тинчлик, барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, демократик, фуқаролик жамиятини янада шакллантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик. Ниятимиз холис, йўлимиз равон бўлгани билан бизни, танлаган йўлимизни кўролмайдиганлар бор. Аммо уларнинг уринишлари пуч эканини, халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Табрикда айтилганидек, пок ниятлар билан бошланган янги йилимизда ҳам инсон манфаатлари йўлидаги эзгу ишларимиз изчил давом этади. Жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват, меҳр-оқибат, бағрикенглик янада мустаҳкамланиб, эл-юртимиз фаровонлиги ошади. Аммо бундайин устувор мақсадларимиз замирида бир омил борки, уни асло эсдан чиқариб бўлмайди. Бу – тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлигимиз, ҳушёр ва огоҳлигимиз. Ана шу улуғвор тушунчалар тўйларимиз, тантаналаримиз, байрамларимиз сабабчиси. Шунинг учун «Юртим тинч – мен тинч» деган ғоя юрагимиз билан бирга уриб турмоғи керак. Шундагина кўзлаган манзилимиз – нурли истиқбол сари дадил одимлаймиз, ватандош!

**ТАҲРИРИЯТ**

К нашим читателям

## ВДОХНОВЛЯЯСЬ НА ДОБРЫЕ ДЕЛА

Вот мы и перешагнули порог Нового года. И в новом году у нас много надежд и желаний. Ведь мы являемся народом-созидателем. Потому и наши цели, мечты получают подпитку из этого созидательного духа.

Новогоднее Поздравление Президента народу Узбекистана стало важным программным документом, вдохновляющим на добрые дела и проникнутым духом созидания. В сердце каждого гражданина, услышавшего или прочитавшего это Поздравление, оно нашло отклик и заставило вновь задаться вопросом: «Что мною сделано для моей страны, моего народа, его процветания и светлого будущего, что предстоит еще сделать?» Как говорится в Поздравлении, мы сделали новые важные шаги на пути достижения своих долгосрочных целей – сохранения мира и стабильности, обновления всех сторон нашей жизни, формирования открытого гражданского общества, усиления духовности и нравственных начал. Однако есть и те, кому не по душе поступательное движение вперед нашего общества. И все же, с честью пройдя через непростые испытания, мы показали, что наш народ с избранного пути не свернуть и все попытки оказать на нас давление обречены на провал.

В Поздравлении также подчеркивается, что забота о человеке и обеспечении его интересов, постоянное внимание и поддержка тех, кто нуждается в социальной помощи и заботе, дальнейшее укрепление в обществе духа согласия, милосердия и доброты, создание достойных условий жизни для людей и в новом году останутся актуальными и приоритетными нашими задачами. Основным условием и гарантией достижения этих высоких целей является укрепление мира и стабильности в стране, сохранение нашей с вами чуткости и бдительности. Наши сердца должны стучать в унисон мысли: мир в стране – мир во мне. Только тогда, соотечественник, мы продолжим уверенное движение вперед по пути к процветанию и прогрессу.

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**



4 НАВСТРЕЧУ 14-Й ГОДОВЩИНЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ
ЛУЧШИЙ СРЕДИ ЛУЧШИХ



6 ТЕНГДОШ
ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ



10 МАЪНАВИЯТ
АЖОЙИБ ВА ҒАРОЙИБ СОВҒАЛАР



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЮЛДУЗЛАР ТАБРИКЛАЙДИ

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

## ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Галина СИВЦОВА может считать себя человеком успешным, ведь она трудится на одном из столичных совместных предприятий. По гороскопу Овен, к числу 13 относится положительно, так как 13 апреля – ее день рождения. Увлечения – Интернет, фото, театр. Мечтает открыть свой фотосалон.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

## В МИРЕ РЕКОРДОВ

● Журнал «Journal of Personality and Social Psychology» провел исследование, целью которого было определение уровня уверенности в себе жителей разных стран. Самооценка была подсчитана на основании анонимных опросов, проведенных в 53 странах и охвативших 17000 человек.

Первая десятка стран с наивысшей самооценкой выглядит следующим образом: Сербия, Чили, Израиль, Перу, Эстония, США, Турция, Мексика, Хорватия и Австрия.

Список стран с наиболее низкой самооценкой таков: Южная Корея, Швейцария, Марокко, Словакия, Фиджи, Тайвань, Чехия, Бангладеш, Гонконг и Япония.

● Бывший футболист с Кубы установил новый мировой рекорд по набиванию головой футбольного мяча. За полминуты ветеран умудрился ударить по мячу 146 раз.

39-летний Эрих Эрнандес из Гаваны за 30 секунд смог набить мяч 146 раз. Таким образом, он улучшил рекорд американца Ферди Адобо, занесенный в Книгу рекордов Гиннесса.

Эрнандесу принадлежит еще один мировой рекорд по набиванию мяча головой. В декабре 2004 года в течение минуты он набил мяч 319 раз, – сообщает «Sky News».

## ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Ямин Қурбон ижодида қўшиқ қилиб куйланишга мўлжалланган шеърлар ҳам талайгина. Айниқса, улар ичида она Ватанга меҳр ва садоқат, юрт посбонлари мавзуси етакчилик қилади. Унинг қуйидаги ижод намунаси шулар жумласидандир.

## ОЛҒА БОС, ОЛҒА!
### (Хор)

Дарё йўлларидек йўлимиз олис,
Ёйгил, эй, жўражон, турнадек қулоч!
Бу йўлда сену мен эмасмиз ёлғиз,
Айрилмас йўлдошдир машаққат, қувонч.
Олға бос, олға!

Бу йўллар имони беғуборларга,
Бўрону довуллар ташлолмагай банд.
Бу йўлдир мардликка чин хуморларга,
Тутгил, эй, жўражон, кўкракни баланд!
Олға бос, олға!

Элу юрт ишқидир дилларда уммон,
Элу юрт меҳрига чанқоқмиз, чанқоқ!
Олға, эй, жўражон, довюрак ўғлон,
Бу йўлда чақнайлик мисоли чақмоқ!
Олға бос, олға!

## СУДЬБА В РУКАХ МОРФЕЯ



О снах, предвещавших великим мира сего поражения и победы, слышал каждый. Но вещие сны видят все – надо только научиться переводить со «сновиденного» языка на привычный.

Чем ярче человек, тем ярче и интереснее его сны. История пестрит примерами снов властителей судеб, военачальников, царей, сумевших оказать влияние на ход мировых событий. Ученые давно доказали, что сны заслуживают серьезного внимания. Ведь во сне наша логика спит, и на первое место выходит интуиция: именно она способна подсказать то, что не удается понять рассудком. Другое дело, что их нельзя понимать буквально: образы сновидений – особый язык.

Многие уверяют, что видят «пророческие сны», вкладывая в эти слова торжественно-возвышенный смысл. Однако представители сказок и легенд, как ни странно, не являются залогом того, что вы действительно во сне соприкоснулись с тонкой материей.

Самый верный символ судьбы в снах – небо, и если вы обратили на него внимание, постарайтесь наутро припомнить все до мельчайших деталей. Чистое, голубое небо скажет о благосклонности фортуны, а грозовые тучи предупредят о возможной опасности.

Впрочем, даже самый тревожный сон не ставит себе целью ввергнуть вас в пучину депрессии. Напротив. Обрисовав ситуацию, как она есть, он дает шанс ее изменить, нередко подсказывая, как именно это сделать.

В целом, если во сне привиделось что-то яркое или удивительное, не спешите хвататься за сонник и доктора Фрейда не торопитесь поминать. Если хотите докопаться до сути, попробуйте сами проанализировать образы своего сна, отнеситесь к ним как к метаморфозам, намекам: возможно, интуиция откроет тайны вашей судьбы или позволит взглянуть на себя и свои проблемы со стороны. Поверьте, это бывает очень полезно.

## ВКУСНОЕ СПАСЕНИЕ ОТ РАДИАЦИИ



Включение блюд из свежей и квашеной капусты в ежедневный рацион обеспечивает хорошую защиту от радиации. Если вы живете в районах с повышенным радиационным фоном или работаете с излучающими радиацию приборами, в частности, за компьютером, ешьте больше капусты в любом виде.

## ПОЛТЕРГЕЙСТ БОР



Полтергейстни бир киши бошқаради – атрофда содир бўлаётган воқеалардан ўта таъсирланувчан одам унинг манбаидир. Бу ҳақда унинг ўзи ҳатто билмаслиги ҳам мумкин.

Полтергейст омма олдида пайдо бўлишни ёқтиради. Кузатувлардан шу маълум бўлдики, уйда ҳеч ким бўлмаса, полтергейст ўзини намоён қилмайди. Бу унинг мағрурлигидан эмас, балки энергия манбаи йўқлиги сабаблидир. Агар уй эгалари йўқлигида уйда ёнғин содир бўлса, бунда электр тармоғининг носозлиги ёки унутиб қолдирилган ёқиқ дазмол бўлиши мумкин, аммо асло полтергейст эмас. Яна шу нарса қайд этилганки, агар полтергейст шўхликларига дучор бўлган фуқаролар бундай оғир даврни дўстлари ёки қариндошларининг уйида ўтказмоқчи бўлсалар, ғайриоддий воқеалар уларнинг ортидан қолмайди.

Полтергейст бегоналардан ҳам уялмайди ва бу ҳолат олимларга уни ҳаракатда кўриш имконини берди. Хонада одам қанча кўп бўлса, полтергейстнинг фаоллиги ҳам шунча ортиши кузатилган. Умуман олганда эса, бундай ҳодисалар билан курашиш деярли осон: полтергейстни қўзғатган киши унга унинг қобилиятлари ҳақида гапириб бериши лозим. Бу унга тезда таъсир қилади.

Ва охирги гап: кўп йиллик кузатувлар натижасида шу аниқландики, агар уйда пул йўқола бошлаган бўлса, имонингиз комил бўлсинки – полтергейстнинг бунга умуман алоқаси йўқ.

## ЧЕРНАЯ ДЫРА СИНЕГО ЦВЕТА

В культуре многих народов синий цвет связан с мистикой. Считается, что он защищает от злых духов и дурных людей, отпугивает хищников.

Маги, колдуны и целители предлагают клиентам различные обереги цвета индиго. Если вы поместите его дома на видном месте, утверждают они, и все члены семьи будут смотреть на его, духовная гармония будет гарантирована. Да и психологи рекомендуют смотреть в безоблачное синее небо, синее море, чтобы успокоить нервы.

Между тем, все синее, что бросается в глаза, наносит вред нашей сетчатке! К такому сенсационному выводу пришла группа ученых РАН Института биохимической физики.

Глаз – важнейшее средство восприятия нами окружающего мира, а главный отдел в нем – сетчатка. Именно в ней происходит превращение световых лучей в электрические импульсы, поступающие по зрительному нерву в соответствующий центр головного мозга. Малейший сбой в ее работе приводит к искажению «картинки», поступающей в мозг, а «поломки» чреваты потерей зрения. К сожалению, они случаются. Самые опасные – разрывы, отслойка сетчатки. Из-за них светочувствительные клетки перестают получать питание из кровеносных сосудов и не могут нормально функционировать. К тому же с возрастом в клетках сетчатки и лежащего за ней пигментного эпителия накапливаются вредные вещества. При воздействии синего цвета в них формируются свободные радикалы. Эти исключительно токсичные формы кислорода вызывают разрушительные последствия. К вредным веществам относится так называемый «пигмент старости» – липофисцин. Когда на него падают лучи синего цвета, он становится активным источником всеразрушающих свободных радикалов.

## БЕСПОКОЙНЫ ЛИ ВЫ?



ТЕСТ

**За каждый ответ «верно» – 1 балл, за «неверно» – 0 баллов.**

1. Я часто ловлю себя на том, что меня что-то тревожит.
2. Ожидание меня нервирует.
3. Порой мне кажется, что я ни на что не годен.
4. Жизнь для меня почти всегда связана с большим напряжением.
5. Я не могу уснуть, если меня что-то тревожит.
6. Я склонен все принимать слишком всерьез.
7. Когда нервничаю, у меня усиливается потливость.
8. Я более чувствителен, чем большинство других людей.
9. Я хотел бы быть так же доволен жизнью, как, вероятно, довольны другие. Но у меня не получается.
10. Я легко расстраиваюсь.
11. Меня беспокоят возможные неудачи.
12. Я никогда не опаздываю на свидания и работу.
13. Я предпочитаю уклоняться от конфликтов и затруднительных положений.
14. Почти всегда я испытываю тревогу перед встречей с чем-то или кем-то.
15. Я легко прихожу в замешательство.

**ПОДСЧИТАЙТЕ:**

**ОТ 12 ДО 15 БАЛЛОВ. Ваша тревожность – не просто свойство характера, а признак невротического расстройства. Может быть, речь идет о затянувшейся тревожной депрессии.**

**ОТ 8 ДО 11 БАЛЛОВ. Вы – гиперответственный человек, что мешает жить и вам, и окружающим. К тому же у вас слабоваты нервы, вас легко выбить из колеи. Нужно учиться меньше жалеть себя и повышать устойчивость к ударам судьбы. И позволяйте себе иногда чуть-чуть похулиганить, выскакивая за скучные «общепринятые» рамки!**

**7 И МЕНЕЕ БАЛЛОВ. Конечно, вам бывает и тревожно, и неспокойно на душе. Но вы умеете владеть собой. И в критической ситуации вы возьмете все под свой контроль. Так держать!**

## ДРЕВНИЕ РВУТСЯ В МИР



«Древние были, есть и будут. До рождения человека пришли они с темных звезд, незримые, опустились на первозданную Землю. Много столетий плодились они на дне океанов, но затем моря отступили перед сушей, и полчища их выползли на берег, и тьма воцарилась над Землей. У ледяных полюсов построили они города и крепости и на высотах возвели храмы тем, над которыми не властна природа, тем, над которыми тяготеет проклятие богов. И порождения Древних наводнили Землю, и дети их жили долгие века... Ныне Древние обитают по ту сторону врат, в закоулках между мирами, известными человеку. Они блуждают вне сферы Земли в вечном ожидании того часа, когда они смогут вновь вернуться на Землю, ибо Земля познала их и познает впредь в намеченный час».

Так выглядит историческая часть древнего магического трактата «Некрономикон» – «Книга мертвых имен». Он был написан в Дамаске в 730 году славившимся своим эксцентричным поведением арабом по имени Абдул аль-Хазред. Многие считали его полубезумным. Аль-Хазред много путешествовал, обойдя земли от Александрии до Пенджаба.

Сам «Некрономикон» был задуман как историческое повествование, «Книга о том, что умерло и ушло». Но больше всего трактат напоминает пособие по магии, где содержатся рецепты порошков, заклинания для вызывания Древних, охранительные магические жесты и тому подобное.

Появление переводов «Некрономикона» в Европе связывают с именем английского мага Джона Ди, советника королевы Елизаветы. С помощью особых методик он вступает в контакт с потусторонней сущностью Нафрож, который помогал магу в составлении географических карт. Очертания Антарктиды оказались предельно приближенными к тем, что известны сегодня благодаря аэрофотосъемкам и картографированию со спутников. Северному и Южному полюсам собеседники уделяли чрезвычайно много внимания. Нафрож назвал Северный полюс Черной Бездной.

Появление инопланетян тоже было связано с полюсной тематикой. Когда военизированная экспедиция «Высокий прыжок» к Антарктиде под руководством американского адмирала Бэрда провалилась, перепуганный флотоводец стал вещать миру о некоем супостате, по его словам, хорошо оснащенном технически и перемещающемся от полюса к полюсу на «летающих тарелках» с фантастической скоростью.

Специалисты-уфологи предполагают, что НЛО представляют собой «систему контроля» для оказания влияния на человеческую психику. Возможно, что ставка в этой игре – само существование человечества.

Впрочем, проводимые ядерные испытания, по мнению ряда исследователей, повредили так называемую сеть Хартмана, служащую своего рода электромагнитным барьером между нашим и параллельными мирами. Когда в 90-е годы с ядерными испытаниями было покончено, НЛО-активность пошла на убыль.

Из Антарктиды же иногда приходят странные вести. Пару лет назад сообщалось, что дувший близ одной из научных станций более недели ураганный ветер снес слой снега толщиной в несколько десятков метров, вплоть до ледяной основы. И тогда изумленному взгляду полярников предстала ледяная башня высотой более двадцати метров. Кто, когда и зачем построил ее? А, может, это и есть одна из крепостей, сооруженных Древними?

